DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7638258 Pages: 849-860





WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



АЁЛЛАРНИНГ БОШҚАРУВДАГИ РОЛИ ВА ГЕНДЕР ТАФОВУТЛАРДА АЁЛ РАҲБАРЛАРНИНГ УСТУН ЖИҲАТЛАРИ

Нозима Махатова

Қарши давлат университети таянч докторанти

e-mail адреси: raimova-64@mail.ru

Kalit so'zlar: гендер, гендер тенглик, гендер тафофутлар, гендер психоогияси, аёл раҳбарлар.

Annotatsiya: Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ҳуқуқий асосларга яратилмоқда. Шу кунга қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва белгиланган амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир. Ушбу қадам қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меёр ва стандартларига тўлиқ мос келиши, шу билан бирга, уларнинг бир қисми БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши, аёлларимизни нафақат она, оила қўрғонининг қўриқчиси, атрофда бўлаётган воқеа ходисалар ва янгиликларни оддий кузатувчисигина эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси сифатида ўзгаришига туртки бўлмоқда.

THE ROLE OF WOMEN IN MANAGEMENT AND MAIN ASPECTS OF WOMEN LEADERS IN GENDER DIFFERENCES

Key words: gender, gender equality, gender differences, gender psychology, women leaders.

Abstract: Legal foundations are being created in our country to ensure gender equality and enhance the role of women in public and political life. The normative legal documents adopted to date and the established practical measures are an important step in the field of gender policy in Uzbekistan. This step is in full compliance with international norms and standards of law and practice, and some of them are based on the recommendations of UN human rights agencies.

Adoption of decrees and decisions to ensure the rights of

women, in particular, gender equality and the protection of women from violence and oppression, strengthening the status of women's entrepreneurship, turning our women not only into mothers, guardians of the family fortress, and not just into events and news taking place around, but also in the country, as an active and proactive participant in the ongoing democratic transformations, he is striving for change.

РОЛЬ ЖЕНЩИН В УПРАВЛЕНИИ И ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ ЖЕНЩИН-РУКОВОДИТЕЛЕЙ В ГЕНДЕРНЫХ РАЗЛИЧИЯХ

Ключевые слова: гендер, гендерное равенство, гендерные различия, гендерная психология, женщины-лидеры.

Аннотация: В нашей стране создаются правовые основы для обеспечения гендерного равенства и повышения роли женщин в общественно-политической жизни. Принятые на сегодняшний день нормативные правовые документы и установленные практические меры являются важным шагом в сфере гендерной политики Узбекистана. Этот шаг находится в полном соответствии с международными нормами и стандартами законодательства и практики, а некоторые из них основаны на рекомендациях агентств ООН по правам человека.

Принятие указов и решений по обеспечению прав женщин, в частности, гендерного равенства и защите женщин от насилия и угнетения, укреплению статуса женского предпринимательства, превращению наших женщин не только в матерей, хранительниц семейной крепости, а не просто в событий и новостей, происходящих вокруг, но и в стране, как активный и инициативный участник реализуемых демократических преобразований, стремится к переменам.

Кириш. Глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий бошқарув инновацион ёндашувни, жумладан тижорат ва давлат ташкилотларини самарали ва мослашувчан бошқариш учун зарур бўлган замонавий билим ва амалий кўникмаларга, яъни компания стратегиясини оптималлаштириш ва танлаш, инновацион жараёнларни бошқариш, кадрлар сиёсати, қисқа муддатли ва узоқ муддатли бизнес-режалаштириш, бошқарув муаммоларини ҳал қилиш учун маълумотлар билан ишлаш маданияти ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмалари, саноат ва тадбиркорлик фаолиятида рақамли трансформация жараёнлари доирасида фойдаланиш учун мос технологияни танлаш, стартаплар учун бизнес ғоялар бериш кўникмалагига эга бўлган рақамли иқтисодиётда бизнесни бошқариш

соҳасида иқтисодиётнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, ҳамкорликни ривожлантиришга ва мамлакатни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишига ҳисса қўшишга қодир бўлган профессионал малакага эга, рақобатбардош, юқори малакали бошқарувни талаб этади.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ролини ошириш, жамият ва давлат бошқарувида имкониятларини кенгайтириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш ва аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бошқарув фаолиятидаги гендер фарқларни М.Вебер, Э.Илйин, Т.Парсонс, Р.Оуэн, П.Сорокин, В.А.Заҳар, Ж.Аткинсон, Д.МакКленд, М.Хорнер, Г.А.Туретская, С.Киэслер, Ж.Розенер, А.Э.Чирикова, М.Хеннинг, А.Жардин, Ф.Ҳерзберг, Г.Хофстеде, Д.Боллингер, А.Наумов, С.Чаффнис кабилар ўз тадқиқотларида ўрганганлар.

Эркак ва аёл бошқарув услублари ўртасидаги фарқларни ўрганиш бўйича Э.Эагли, Б.Жонсон, А.Стетем, Ж.Липман-Блумен, Э.Мишел-Алдер, А.Э.Чирикова, Э.Балабанова, Г.Г.Силласте, И.Н.Тартаковская, Э.Гвоздева, В.Герчиков, Н.Д. Стрекалова, О.К.Самартсева, Т.А.Фомина, С.Ю.Барсукова ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистонда бошқарув жараёнини ташкил этишнинг психологик асослари дастлаб Э.Ғозиев, М.Давлетшин, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, А.Жабборов, Ш.Баратов сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Мамлакатимиз психологлари раҳбарни унинг яхлит руҳий дунёси билан, бинобарин, шахснинг ақлий фаолияти, билиш жараёнлари, иродаси, характери, темпераменти, ҳиссиёти, қобилияти билан, умуман олганда инсон тузилишининг барча қирралари билан боғлиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

Америкалик психолог Ш.М. Берн ўзининг “Гендер психологияси” номли китобида эркак ва аёлнинг ижтимоий-психологик фарқларининг роли ва аҳамиятини тушунишни сезиларли даражада бойитадиган тадқиқларни

амалга ошириб, эркаклар ва аёлларнинг хатти-ҳаракати ва психологиясини ўрганишди уларнинг маълум бир жинсга хос бўлганлиги ҳақидаги анъанавий фикрлаш тарзинидан воз кечишга эътиборни қаратди [7.Б.270].

Психолог Р.Райс ўтказган тажрибада кўра аёл раҳбарлик қилган курсантлар гуруҳи муваффақиятини тасодифга йўйишган, эркак раҳбар бўлган гуруҳдаги курсантлар эса муваффақиятда айнан раҳбарнинг қобилиятини етакчи деб кўрсатишган. Мазкур тажриба шундан далолат берадики, атрофдаги воқеаларни баҳолаш кўп жиҳатдан айни жамиятда қабул қилинган норма ва меёрларга боғлиқ [8.Б.637].

И.Махмудов бошқарув самарасини жинсий мансублик билан боғлаш нотўғрилиги, бу ўринда интеллект, қадриятлар, шахс хусусиятлари, маълумот даражаси, бошқарув соҳасидаги тажриба каби кўрсаткичлар аҳамиятлиги эканлигини кўрсатади [9.Б.17].

Тадқиқот методогияси. Бошқарув психологияси - бошқарув фаолиятининг психологик шаклларини ўрганадиган ижтимоий психологиянинг бир соҳаси ҳисобланади. Халқаро ҳамжамиятда кенг фойдаланиладиган “гендер тенглик” тушунчаси - эркаклар ҳамда аёллар давлат ва жамият ҳаётнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида тенглик асосида иштирок эта олишини назарда тутади. Замонавий бошқарувда аёлларнинг бошқариш услубига хос бўлган янги менталитет, услуб ва усулларнинг киритилиши аёл ва эркак бошқарувининг мослашувчан комбинацияси орқали самарадорлик ва рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради.

Гендер психологияси - бу мутлақо янги илмий йўналиш бўлиб, у ўзини психологик билимларнинг мустақил соҳаси сифатида эълон қила бошлайди. Мамлакатимизда гендер психологияси ижтимоий психологиясининг ўрганилаётган, тадқиқ қилинаётган янги соҳаси ҳисобланади. Гендер психологияси - инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини биологик жинс ва гендер (ижтимоий жинс) нисбати билан белгиланган муносабатлар билан уйғунликда ўрганади. Гендер психологиясининг бўлимларидан бири бу

раҳбарлик (етакчилик)нинг гендер психологиясидир ва у эркак-раҳбар ва аёл-раҳбар ўртасидаги фарқларни, шунингдек ҳукмронлик ва бўйсуниш муносабатларини тадқиқ қилади.

Гендер таҳлилининг аҳамияти нафақат назарий муаммо, балки бошқарув самарадорлигини оширишга имкон берадиган амалий усул сифатида ҳам бир қанча йирик халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларнинг мутахассислари томонидан тасдиқланган.

Тадқиқотда илмий адабиётларни таҳлил қилиш, талқин қилиш, илмий таҳлил қилиш усуллари, олинган маълумотларни синтез қилиш ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида 70-сон резолюсияси қабул қилиниб, мамлакатимиз учун долзарб ҳисобланган 16 та миллий мақсадга эришиш бўйича 125 та мақсадли вазифа ҳамда 206 та индикатор ишлаб чиқилган.[12]

Хусусан, барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад - Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар билан ҳамоҳангдир.Гендер тенглигига эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

2018 йил 15 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган “Мамлакатнинг демократик янгиланиши ҳамда модернизациясида аёлларнинг роли: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро конференцияда иштирок этган БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер ўз маърузасида шундай таъкидлаган эди: “Раҳбарлик мавқеидаги аёлларнинг муҳим вазни мавжудлиги барча мамлакатларда жамиятларнинг ижобий ривожланишига олиб келган. Шундай

қилиб, жаҳон амалиёти шуни кўрсатиб турибдики, давлат бошқарувида аёлларнинг ваколатини ошириш қонунчиликнинг гендер омилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилишига олиб келади, аёлларнинг сиёсатда қатнашуви аёлларнинг кундалик муаммолари ҳам парламент муҳокамаларида ўсиб боришини кўрсатади. Шу тарзда, давлат бошқарувида аёлларнинг ваколатларини кенгайтириш аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни яхшилайди".[13]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4235-сон Қарори билан Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси тузилди [5].

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилнинг 2 сентябрида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ЎРҚ-562-сонли Қонуни жамиятда аёл ва эркак ўртасидаги тенгсизликни ҳал этиш масаласи ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг долзарблигига қаратилган қонундир.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида гендер тенгликни таъминлаш бўйича Ўзбекистондаги ислоҳотлар тўғрисида тўхталиб, "Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди" деб таъкидлаб ўтди [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармонига кўра тасдиқланган "2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастурининг 9-бандида “Хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги мавқейини янада оширишга қаратилган яхлит тизимни яратиш” белгиланган.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 22 февралда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирилиши таъкидланди [2].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-ИВ-сонли Қарорида гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинлиги кўрсатиб ўтилди [3]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди, Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди, бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 224 мингдан ортиқ хотин-қизга жами 6,9 трлн сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.[6]

2021 йилнинг 15 июнида Тошкентда Вестминстер университетида ўтказилган “Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарор ривожланиш сари хотин-қизларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мавзусида”ги халқаро бизнес-

форумда Ўзбекистон Гендер тенглиги комиссияси раиси Танзила Норбоева ўз маърузасида Марказий Осиё давлатлари бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ошиб бораётгани, сўнгги 20 йил давомида Марказий Осиё давлатларининг параментларида аёллар улушининг 2 бараварга оширилгани, 190 та давлат парламентларини бирлаштирган Парламентлараро иттифоқнинг эътироф этишича, хотин-қизларнинг парламент ва ҳукумат доирасида иштироки бўйича Ўзбекистон иттифоққа аъзо давлатлар орасида 3-4 йил олдинги 128-ўриндан 45-ўринни эгаллаб, бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз нафақат минтақа, балки қатор ривожланган Ғарб давлатлари – АҚШ, Германия, Австралия, Канададан юқори поғонага чиқиб олганлигини таъкидлади. [14]

2021 йил 6 июль куни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессияси раиси Волкан Бозкир билан Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари бўйича учрашувда гендер тенгликни таъминлаш масаласи муҳокама қилиниб, бу йўналишда эришилган ютуқлар, жумладан Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқлангани қайд этилди.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади.

Гендер стратегиясининг амалга оширилиши хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги тенгсизликни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имиджини ошириш имконини беради. Гендер стратегиясида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизларнинг

эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш ва хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш асосий вазифалари қаторида кўрсатилган.

Гендер - бу ижтимоий тузилма, эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий хулқ-атворини ва улар ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган жамият маданияти билан белгиланадиган хусусиятлар тўплами. Гендер маълум бир ижтимоийлашув тизими, меҳнат тақсимоти, маданий меъёрлар, жамиятда қабул қилинган роллар ва стереотиплар орқали қурилади. Гендер ижтимоий жараёнларни тушуниш воситасидир.

Психологик нуқтаи назардан гендер тушунчаси одамларнинг "эркак ва аёл" тафовутларининг моҳиятини ёритади. Ижтимоий психологияда "жинс" тушунчасининг ўзи биологик категория бўлгани учун ҳам эркак ва аёллар хислатларидаги тафовутларнинг биологик жиҳатдан боғлиқлигини асослашда гендер атамаси ишлатилади.

Гендер тенглик жамият ривожида муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Бугун оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Эркак ва аёл раҳбарга хос жинсий психологик фарқнинг бўлиши жамоа олдида турган вазифани бажариш, кўзланган мақсадга эришишга таъсир кўрсатмайди. Шахснинг кўпгина ишчанлик фазилатлари жинсий мойилликлар билан эмас, балки ижтимоий қадриятлар, характердаги хусусиятларга асосланади. Хусусан, инсоний муносабатларга эътибор, кўнгилчанлик, бошқарувда демократик тамойилларга суяниш аёлларда кўпроқ учрайди ва бу кўрсаткичлар маълум маънода жамоа фаоллигига ижобий таъсир этувчи омиллардир.

Раҳбар аёлларда ташкилотчилик қобилиятининг намоён бўлиши ва ўзини-ўзи раҳбар сифатида баҳолашлари уларнинг раҳбарлик фаолиятларидан қониқишига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ташкилотчилик қобилияти ўзини-ўзи раҳбар сифатида баҳолаш хусусияти билан белгиланиб, уларнинг детерминация коэффициенти раҳбарлик фаолиятидан қониқишига нисбатан анча камроқдир. Бундан раҳбар аёлларда раҳбарлик фаолиятидан қониқишнинг қай ҳолатда бўлишини уларнинг ташкилотчилик қобилияти ва ўзини-ўзи раҳбар сифатида баҳолашлари белгилаб бериши келиб чиқади.

Бошқарув амалиётида гендер жиҳатлари эркак ва аёл психикасини ва ақлнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жамоани ва шахсни бошқаришнинг ҳар хил ёндашувларининг хусусиятларини, айниқса, шахслараро муносабатларни ўз ичига олади. Аёллар ва эркакларнинг ишбилармонлик ва психологик фазилатларини таққослайдиган турли тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таҳлил қилинган бир қатор кўрсаткичларда маълум фарқлар мавжуд. Яни, аёлларда бошқарув функцияларини муваффақиятли амалга ошириш учун аниқ афзалликлар мавжуд, улар ноаниқлик шароитида, аёллик фазилатларига таяниб, бошқаришда тез тажриба орттирадилар, муаммоларни ҳал қилишга ҳиссий ёндашадилар. Бошқарувда эркакларнинг гендер йўналиши - ташқи муҳитга, беқарор, доимий янгиланадиган шароитда ўзаро муносабатларга йўналтирилганлигида, аёлларнинг гендер йўналиши аёлларнинг ички шахслараро муносабатларга, барқарор психологик микроиқлимни сақлашга йўналтирилганлигида намоён бўлади. Раҳбарнинг гендер роли бошқарув ролини амалга оширишда намоён бўлади ва бошқарув функцияларни бажариш самарадорлигида гендер фарқлари шаклланади. Бу бошқарув фаолиятининг етакчилик, мақсадларни белгилаш, ходимларни рағбатлантириш, мулоқот ва қарор қабул қилиш каби жиҳатларида яққол намоён бўлади.

Замонавий бошқарувда юз бераётган ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бошқарув лавозимларида эркаклар ва аёллар сонининг нисбати

тез ўзгариб бормоқда. Ҳозирги даврга хос бўлган аёл бошқарув услубининг фаол интеграцияси гендер тадқиқотларининг долзарблигини тасдиқлайди. Бошқарув фаолияти соҳасидаги гендер тафовутларининг психологик тадқиқотлар натижаларини қўллашнинг долзарблиги бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

[1]. Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сонли Қонуни. 02.09.2019й. //https://lex.uz

[2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2021 йил 22 февралдаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича саммитининг 46-сессиясида сўзлаган нутқи //https://president.uz

[3]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармонига кўра тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури //https://lex.uz

[4]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёэвнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 23.09.2020й. //https://president.uz/uz/lists/view/3851

[5]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарори //https://lex.uz

[6]. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-ИВ-сонли Қарори //https://lex.uz

[7]. Adams J., Rice R.W., Instone D. Follower attitudes toward women and judgments concerning performance by female and male leaders // Academy of management journal. 1984. Vol. 27. N 3. P. 636-643. // Т.В.Бендас. Гендерные и культурные различия в оценке успешности студенческих лидеров и вузовских руководителей // https://nauchtrud.com

[8]. Eagly A.H., Karan S.J., Makhijani M.G. Gender and effectiveness of leaders: a meta-analysis // Psychological bulletin. 1995. Vol. 117. N 1. P. 125-145.

[9]. Maxmudov I. Boshqaruv psixologiyasi O'quv qo'llanma. – "YUNAKS-PRINT" MChJ. 2005 – 17-170.

[10]. https://www.un.org/ru/conferences/environment/newyork2015

[11]. https://m.kun.uz/uz/news/2018/11/08/

[12]. https://kun.uz/uz/news/2021/06/15/

[13]. https://yuz.uz/uz/news

[14]. Podosinov A. V. Lingua Latina. Lotin tili va qadimiy madaniyatga kirish /